

БОСМА ВА ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИДА СИЁСИЙ ПОРТРЕТ: МУАЛЛИФ ЁНДАШУВИ, ТИЛ ВА УСЛУБ ИФОДАСИ

Комилова Ёркиной Нўмоновна
ЎзЖОКУ 1-босқич докторанти

Аннотация: Мазкур илмий мақолада сиёсий шахслар ҳаёти ва сиёсий фаолиятига доир материаллар илмий тадқиқ қилинади. Мақолаларнинг тили, услуби, жанрлар классификацияси, матн формати, тузилиши, медиалингвистик имкониятларига аҳамият қаратилади. Технологик ва ахборот асрида журналистик материалларнинг тили, услубини, классик ёндашув механизмини замонавий услубий воситалар билан бойитиши, кенгайтириши, аудитория учун сифатли материал тайёрлаш унсурларига эътибор қаратиши сингари масалалар назарда тутилган. Шунингдек, янги услубий ёндашув, янги атамалар матннинг семантик моҳиятига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши борасида олимларнинг илмий фикрлари орқали мулоҳазалар юритилган. Журналистик материал тайёрлашда журналист – муаллифнинг сиёсий нуқтайи назари, шунингдек, журналист сифатида ҳолис муносабати миллий ва хорижий нашрлар мисолида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: сиёсий портрет, сиёсат, матн, журналист, тил, услуб, жанр, медиа, лингвистика.

Аннотация: В данной научной статье научно исследованы материалы, связанные с жизнью и политической деятельностью политических деятелей. Подчеркнуты язык, стиль, жанровая классификация, формат текста, структура и медиалингвистические возможности статей. В технологическую и информационную эпоху предусматриваются такие вопросы, как обогащение и расширение языка и стиля журналистских материалов, классический механизм подхода современными методическими средствами, акцентирование внимания на элементах подготовки качественного материала для аудитории. Также новый методический подход, новые термины положительно или отрицательно влияют на смысловую сущность текста через научные мнения ученых. При подготовке журналистского материала анализируется политическая точка зрения журналиста-автора, а также непредвзятое отношение как журналиста на примере отечественных и зарубежных изданий.

Ключевые слова: политический портрет, политика, текст, журналист, язык, стиль, жанр, медиа, языкознание.

Annotation: In this scientific article, materials related to the life and political activities of political figures have been scientifically studied. The language, style, genre classification, text format, structure and media-linguistic possibilities of articles are underlined. In the technological and information age, such issues as the enrichment and expansion of the language and style of journalistic materials, the classical approach mechanism with modern methodological means, and the focus on the elements of preparing quality material for the

audience are envisaged. Also, a new methodological approach, new terms positively or negatively affect the semantic essence of the text through the scientific opinions of scientists. When preparing a journalistic material, the author analyzes the political point of view of the journalist-author, as well as an unbiased attitude as a journalist on the example of domestic and foreign publications.

Key words: *political portrait, politics, text, journalist, language, style, genre, media, linguistics.*

Оммавий ахборот восита(ОАВ)ларининг тарихий эволюциясига назар ташласак, босқичма-босқич ривожланиш жараёнларида давлат ва жамият, ҳокимият ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар занжирини боғловчи, мувозанатини белгиловчи асосий восита сифатида таъкидлаш ўринли. ОАВлари матбуот, радио, телевидение, интернет журналистика – барчаси турли усул, форматда фаолият юритса-да асосий уйғунлик – восита “қуроли” сўз, фикр, ғоя, мантиқ, мазмун-моҳият, қолаверса, узатилаётган маълумотларни тил ва услуб нуқтайи назаридан баён этиш имкониятлари, замонавий масс-медиа оламида, технологик қулайликлар, имкониятлар мавжуд бир пайтда, ОАВларининг тили ва услубини ўзгариши, классик ва замонавий услубий ёндашувларнинг фарқли, ўхшаш унсурлари муҳим масалага айланиб бормоқда. Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, ОАВлари жамиятга маънавий озуқа берадиган, ҳар бир сўз “юки” негизида миллат, давлат, жамият, халқ ақл, идрокини жаҳон минбарида “ойна” сингари кўрсатиб турувчи таянч манба ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан “Матн бир нарсани акс эттирувчининг онги ифодасидир”¹⁷. Журналист танланган мавзу марказида айтмоқчи бўлган фикрларини матн қамровига сиғдиради. Журналист, олим, тадқиқотчи томонидан келтирилган, билдирилган ҳар бир сўз ҳам ҳатто матн мазмунини ифода этиши мумкин. Бу бевосита услубий ёндашув билан боғлиқ жараён. Муаллиф, сўз бирикмалари, иборалар, мақол, кичик ҳикоялар сингари анъанавий таъсир воситалари орқали матннинг таъсир қилиш нуқталарини белгилайди. Сўз, фикр муаллифнинг онгида сақланганида кичик бир нуқта, зарра, ҳаракатсиз восита, аслида. Аммо, сўз тилдан қоғозга, қоғоздан газета ёки журнал, радио, телевидение ва бошқа ОАВларига “кўчган”идан сўнг муаллиф ижод маҳсули ҳаракатга келади. Бу таъсирланиш ҳодисаси бевосита ҳокимият ва халқ муносабатларида, икки “қутб”нинг таҳлилларида қай даражада бир-бирига яқин, ўхшаш ёки аксинча мутлақо зид, қарама-қарши ҳолатдаги ўзаро таъсирланиш ҳодисасида аниқ намоён бўлади. “Тил – ОАВнинг асосий хабар бериш қуроли...шу боисдан ҳам уни, аввало, лингвистик томондан ўрганиш зарурати мавжуд”¹⁸. Журналист матн тили ва услубий йўналишини мавзу, ОАВларининг ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва бошқа йўналишларидан келиб чиққан ҳолда

¹⁷ Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – С.357 // Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуриддинова М.Ч. Журналистика медиалингвистика ва таҳрир. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б 5.

¹⁸ Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуриддинова М.Ч. Журналистика медиалингвистика ва таҳрир. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б 5.

белгилайди. Кўп ҳолларда муаллиф ёндашувни ўзи аниқлайди, журналист айтмоқчи бўлган танқидий, таҳлилий мулоҳазаларини тўғри танланган услуб орқали муваффақиятли ифода қилиши мумкин. Бунда “медиа стилистика”¹⁹, “медиамаатнинг медиавийлик, оммавийлик, маъно-мазмун, композицион тузилиши”²⁰ сингари категорияларини ҳам тадқиқ қилиши, ўз навбатида коммуникация технологияларини услубий воситаларга сингдира олиши, тадбиқ этиши долзарб, бугуннинг талаби ҳам. Матн лингвистикаси, сарлавҳаси, умумий матни, мазмуни, формати, шакли, стилистик тузилиши, жанрлар классификацияси, медиалингвистик имкониятлари, визуал, вертуал схематик комплекс жойлашуви сингари талаблар, бунинг негизида семиотик имкониятларининг қўлланилиши журналист маҳорати билан белгиланади. Хусусан, сиёсий шахслар фаолияти билан боғлиқ материалларнинг тайёрланиши муаллифдан чуқур билим, тафаккур, стратегия, сиёсий нуқтайи назар, бир сўз билан айтганда “услубий маҳорат” талаб қилади. Шу ўринда мавзу доирасида сиёсий шахслар ҳаёти, фаолияти, сиёсий шахс сифатидаги портрети акс эттирилган материалларни таҳлил қилсак. Масалан, “Дмитрий Медведев Владимир Путинни ўзгартиришга таклиф қилди”²¹. Муаллифлар Екатерина Мереминская, Филип Стеркин, Александра Прокопенколар мақолага ўқувчини жалб қила оладиган сарлавҳа топа олган. Бош вазир томонидан президент Владимир Путинга давлат бошқаруви, тизимни такомиллаштириш, ҳокимият вакиллари билан ўзаро муносабатларни ислоҳ қилиш, ўзгартириш борасида мулоҳазалари, таклифларини, шунингдек, сиёсатчиларнинг ҳукуматга таъсири, бу жараёнларни ҳам шаффоф бошқариш учун ишлаш механизмини ўзгартириш зарурати борасида фикрлар келтирилган. “Вазирлар фақат бажарилган топшириқлар ҳақида ҳисобот бериши эмас, балки КПИ (ключевые показатели эффективности) – асосий ишлаш кўрсаткичларига эришиш учун шахсан жавобгар бўлиши керак, деб ҳисоблайди Д. Медведев”²². Мақолада муаллифлар айнан Бош вазирнинг сўзларини келтириб, бунинг мантикий моҳиятини асослайди. “Халқаро амалиётлар Медведевга ҳар бир вазирлик бўйича асосий фаолият кўрсаткичларини (КПИ – ключевые показатели эффективности) аниқлаш ва жамоатчилик баҳосини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат учун аниқ “бошқарув панели”ни шакллантиришни таклиф қилиш имконини беради”²³. Мақолада ҳукумат раҳбарларининг шахсий қарашлари, зиддиятли мулоҳазалари ҳам мунозара

¹⁹ Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуритдинова М.Ч. Журналистика медиалингвистика ва таҳрир. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б 5.

²⁰ Казак М.Ю. Медиаатекст: сущностные и типологические свойства // Global Media Journal. Глобальный медиажурнал. Российское издание / URL:http://test.gmj.sfedu.ru/v2il/v2il_kazak.htm (дата обращения 7.07.2011) // Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуритдинова М.Ч. Журналистика медиалингвистика ва таҳрир. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б 5.

²¹ Мереминская Е., Стеркин Ф., Прокопенко А. Дмитрий Медведев предложил Владимиру Путину измениться. – <https://www.vedomosti.ru/politics/articles/-dmitrii-medvedev-predlozil-vladimiru-putinu-izmenitsya>. – 22.04.2016. – 00:48.

²² Мереминская Е., Стеркин Ф., Прокопенко А. Дмитрий Медведев предложил Владимиру Путину измениться. – <https://www.vedomosti.ru/politics/articles/dmitrii-medvedev-predlozil-vladimiru-putinu-izmenitsya>. – 22.04.2016. – 00:48.

²³ Ўша манба.

майдонига ҳавола қилинади. “Россияга муниципал бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш керак Медведев ёзган воситалар аллақачон мавжуд – улардан фойдаланилмайди: самарадорлик кўрсаткичлари федерал мақсадли дастурларда белгиланади ва вазирликлар улар ҳақида ҳисобот берадилар, – дейди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг ривожланиш бўйича проректори Александр Сафонов”²⁴. Мақола турли ракурслардан муҳокама қилинган. Мавзу сарлавҳаси матн моҳияти билан уйғун, сарлавҳа қўйиш маҳорати, бошқарув тизимининг нозик жиҳатлари, давлат президенти ва унинг атрофида фаолият юритаётган амалдорлар, уларнинг вазифаси, ҳар бир йўналиш, соҳалар кесимининг бир нуқтада кесишиши, буни бевосита ишлаш омилини янгилаш сингари мулоҳазалар тарихан, бугун ва келажакни кўзлаган ҳолда муҳокама қилинган. Шунингдек, мақола матн ва Д. Медведевнинг фотосурати билан уйғунлашган, қолаверса, матн ичида кичик матнли изоҳлар ва фотосуратлар ҳам қўшимча равишда киритилган, бу мақоланинг умумий формати ва шаклини дизайн жиҳатдан ўқувчи учун қизиқарли тарзда кўрсатиб ўтган. Мақолани ўқиган ҳар бир соҳа вакили очик маълумотлар баъзаси, рақамларни таҳлил қилиб, Россия давлатининг ҳукумати, унинг сиёсий шахсларининг сиёсий портрети хусусида тасаввур ҳосил қилади. Шунингдек, “Фақат бир йил эмас: Путин 2020 йил якунлари ҳақидаги 68 саволга қандай жавоб берди”²⁵ мақоласи ҳам ўзига хос услубда ёритилган. Мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим омил давлат ички бошқарувининг тизимли йўналтирилганлиги, мамлакат раҳбарининг очиклиги, ошкоралиги, ОАВлари вакиллари саволларига жавоб бериши, саволлар мавзу камрови жиҳатидан турли йўналишларни ўз ичига олганлиги, “кескин” саволларнинг жавоби ҳам атрофлича берилиши, президентнинг ОАВлари билан мулоқотига алоҳида эътибор бериши сингари омиллар мавзу кўламини талқинида муҳим аҳамият касб этди. “Тўрт ярим соат ичида президент 68 саволга батафсил жавоб беришга муваффақ бўлди. Ўтган йили суҳбат жонли эфирда бўлиб, 4 соат 18 дақиқа давом этганида Владимир Путин 71 саволга жавоб берган эди”²⁶. Мақолада президент чиқиши йиллар кесимида рақамларда қиёсий таҳлил қилинган. Ушбу статистик солиштириш давлат раҳбарининг ОАВлари билан узвийлиги, мамлакат тақдири, сиёсий ҳолатини, давлат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маъданий, маънавий ва бошқа барча тармоқлардаги ҳар бир муаммони ўз масаласи сингари қабул қилиши, энг муҳими муаммолар қаршисида давлат раҳбарининг очик, ошкора мулоҳазаси, ОАВлари вакиллари билан савол-жавоб асносида муҳокама қилиши, янги фикрлар, ғоялар тадбиқи учун ҳокимият масс-медиянинг бирлиги, маълумотлар манбаси билан ишлашда асосий таянч воситага айланиши билан аҳамиятлидир. Айниқса, пандемия

²⁴ Ўша манба.

²⁵ Байназаров Э., Ходыкин М., Постникова Е., Лежнева Л. Не просто год: как Путин ответил на 68 вопросов об итогах 2020-го. В центре внимания — выплаты врачам, кризисы в СНГ, отношения с Западом и выход экономики из пандем. – <https://iz.ru/1101334/izvestiia/ne-prosto-god-kak-putin-otvetil-na-68-voprosov-ob-itogakh-2020-go>. – 17.12.2020. – 22:50.

²⁶ Ўша манба.

даврида, дунё ҳамжамиятида иқтисодий инқироз, турли масалаларнинг юзага чиқиши билан боғлиқ ҳолатда ОАВлари халқ билан яқинлашиб, давлат раҳбарларининг халқчиллигини кўрсатиш, сиёсий портретини янги қирраларини кашф қилиниши, таъсирчанлигини оширишда долзарбдир. Мақола матни асосан Россия президентининг сўзлари асосига қурилган. Матн, президент ва журналистлар, учрашув жараёнлари билан боғлиқ фотосуратлар, видеолархалар мақоланинг изчиллигини оширган. Шунингдек, мақолада нафақат, давлат раҳбарининг фотосуратлари, балки, россия мамлакати ҳукуматида муҳим йўналишларда раҳбарлик қилаётган мансабдорларнинг фотосуратлари, уларнинг саволларга жавоб бериши билан боғлиқ ҳолати, барча жараёнлар фотосуратларда акс этган. Бу мақоланинг матн ва фотоинформацияга бойлиги билан ҳам аҳамиятли. Замонавий технологиялар, ахборот оқимининг сарҳадсиз эканлиги бугунги глобал шароитда мақолалар савияси, журналистлар позициясини, муаллифлар аудиториясини белгилашда аниқ мувоzanатни ушлай олиш мураккаб вазиятга айланмоқда. Мақола муаллифлари Эльнар Байназаров, Максим Ходыкин, Екатерина Постникова, Любовь Лежнева. Аммо, мақолани президент фикр-мулоҳазаларидан ташқари, муаллифлар янада кенг равишда савол-жавобларни аввалги йилларга нисбатан ўсиш, камайиш кўрсаткичлари ва уларни савияси, берилаётган саволларнинг мавзу қамрови, ҳар йили саволлар моҳиятининг ўзгариши, бевосита жамият муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги масаласи журналист нигоҳида бўлиши таҳлилга киритилиши зарур эди. “Трамп The Times газетасига интервью берди: Оқ уйдан янгиликлар кам бўлмайди”²⁷. “The Times АҚШнинг сайланган президенти Доналд Трампдан интервью олган биринчи Британия нашри бўлди. Сухбатдош Британия Вазирлар Маҳкамасининг собиқ аъзоси, Майкл Гоув эди”²⁸. У сиёсатчи, ҳокимият фаолиятида ишлаган тажрибали мутахассис сифатида АҚШ президенти Доналд Трампнинг АҚШ олдида турган муҳим вазифалари хусусида саволларига жавоб олди. Энг муҳим масала дунё ҳамжамиятининг доимий эътибор марказида турган АҚШ – Россия муносабатларини ойдинлаштирувчи, манфаатлар тўқнашувида Трампнинг қандай позицияда тура олиши борасида мулоҳазалар юритилган. Хусусан, мақоладан “Трамп АҚШнинг Москвага қарши санкцияларини бекор қилиш эвазига Россия президенти Владимир Путин билан ядровий қуроолларни қисқартириш бўйича келишувга рози бўлишга тайёр”²⁹ сингари фикрлар ўрин олган. АҚШ президенти Трамп ҳақида мақолада шундай фикрлар келтирилади. “У Меркел ва Путинга ишонишдан бошлайди, гарчи у ишонч даври қисқа бўлиши мумкинлигини тан олади”³⁰. Бундай сиёсий аҳамиятга эга хулосалар жаҳон майдонида Трампни сиёсий имижини мустаҳкамланишига “соя”

²⁷Трамп дал интервью The Times: недостатка новостей из Белого дома не будет. – <https://eaily.com/ru/news//tramp-dal-intervyu-the-times-nedostatka-novostey-iz-belogo-doma-ne-budet>. – 16.01.2017. – 11:25.

²⁸Ўша манба.

²⁹Трамп дал интервью The Times: недостатка новостей из Белого дома не будет. – <https://eaily.com/ru/news//tramp-dal-intervyu-the-times-nedostatka-novostey-iz-belogo-doma-ne-budet>. – 16.01.2017. – 11:25.

³⁰Ўша манба.

солади, бу борада Доналд Трампнинг ҳам фикрлари мавжуд. Яъни “Twitter, Facebook, Instagramda 46 миллион обуюначим бор. Аввалига мен онлайн фаолиятимни қисқартириш ҳақида ўйладим, лекин оммавий ахборот воситалари мен ҳақимда жуда инсофсиз, адолатсиз гапирмоқда”³¹. ОАВларига нисбатан салбий қарашлари, шу сабаб ҳам ўзининг ижтимоий тармоқлардаги чиқишлари орқали сиёсий портретининг янги қирраларини шакллантириш, ривожлантириш, мустаҳкамлашда Доналд Трампнинг ўзи фаол эканлигини кўрсатиб келмоқда. Мақола матн, АҚШ президенти Доналд Трамп фото суратлари билан уйғунлашган. Хорижий босма ва интернет нашрларида бу сингари давлат раҳбарларининг сиёсий фаолиятига баҳо берадиган кўплаб материаллар мавжуд. Шу ўринда миллий нашрларимизда ёритилган мақолалар таҳлилига назар ташласак. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари”³² сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақола интервью жанрида. Муаллиф Салим Дониёров президентимизга аввало ҳурмат эътиборини билдириб, суҳбатни бошлади. Бу журналистнинг этикаси, маданиятидан далолат. Сўнг саволлар тақдим этилади. “Маълумки, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Сиз давлат бошлиғи, ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори ва уларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатида бу янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини биринчи навбатда нималарда кўрасиз?”³³. Саволлар услуги, шакли, узун, қисқалиги, умуман долзарблиги жиҳатидан мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, демократик эркинликлари, конституциявий устуворлик, мамлакат олдида турган устувор вазибалар, ҳокимларнинг фаолияти, тадбиркорлик масалалари билан боғлиқ ҳолда берилган. Аммо, саволларда жамиятни қийнаб келаётган аниқ, оғриқли жиҳатларига эътибор қаратилмаганлиги англашилиб туради. Узундан узун жумлалар савол мазмунини йўқотади. Тўғри, газетанинг ўз услуги, залвори бор. Қолаверса, давлат раҳбари қаршисида саволлар ҳам тафаккур “элагидан” ўтказилиб берилади. Камчиликлар баробарида айрим ўринларда ютуқлар ҳам мавжуд. Келтирилган саволлар қаторида “Сиз давлат раҳбари учун халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини доимо таъкидлаб келасиз. Лекин ҳаётда барча масалалар бўйича халқ билан гаплашиш, унинг фикрини олиш имкони борми?”

³¹ Ўша манба.

³² Дониёров С. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари // Янги Ўзбекистон. – 16.08. 2021. – <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.

³³ Дониёров С. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари // Янги Ўзбекистон. – 16.08. 2021. – <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.

Сиз ана шундай “бўшлиқ”ни тўлдиришга қандай эришасиз?”³⁴ каби муаммолар ҳам юзага олиб чиқилган. Содда, самимий халқнинг дардли дилидаги, тилидаги саволларнинг аниқ, ифодаси сезилиб турса, давлат раҳбари ҳам саволнинг “юки”га қараб жавоб беради. Қолаверса, Kun.uz сайтида “Оддий одамнинг ўғли ёки қизи порасиз бориб, кириб кетяптими-йўқми? Кириб кетяпти” – Президент таълим соҳасига Финландия тажрибаси жорий этилиши ҳақида”³⁵ги материал нашр қилинди. Давлат раҳбарининг Навоий вилоятида ёшлар билан мулоқотида таълим сифати, ўқитиш методикаси, таълим жараёнларида босқичма-босқич ўзгаришларни таъминлаш, хорижий методикани қўллаш, энг муҳими коррупцияни олдини олиш борасидаги муҳим мулоҳазалари баён қилинди ва фикрлари халққа мотивация бера олди. Ушбу материал ахборий жанрда бўлиб, президент сўзлари асосига қурилган. Муаллиф позицияси, услуби акс этмайди. Аммо, битта жиҳат, яъни сарлавҳанинг ўринли қўлланилганлиги, халқчиллиги аудиторияни эътиборини торта олди. Материал матн, фото, видео форматида берилганлиги, медиалингвистик уйғунлиги, расмий тил услубини ҳам аудитория учун қизиқтира олганлиги билан аҳамиятли. Умуман олганда, босма ва интернет нашрларидаги материаллар йўналиши, услуби, тили, формати, жанрлар талқини жиҳатидан фарқланиши табиий. Аммо, журналистнинг мавзунини экстралингвистик воситалар билан талқин қила олиши, миллий ва хорижий нашрлар фаолиятида ўз позициясини белгилашида, тил ва услубий тамойилларнинг замонавий коммуникатив воситалар орқали ифодаланишида муҳим аҳамият касб этади.

³⁴ Ўша манба.

³⁵ Оддий одамнинг ўғли ёки қизи порасиз бориб, кириб кетяптими-йўқми? Кириб кетяпти” – Президент таълим соҳасига Финландия тажрибаси жорий этилиши ҳақида”. <https://kun.uz/news/oddiy-odamning-ogli-yoki-qizi-porasiz-borib-kirib-ketyaptimi-yoqmi-kirib-ketyapti-prezident-talim-sohasiga-finlandiya-tajribasi-joriy-etilishi-haqida>. – 26.11.2022. – 11:57.